110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чикишда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдикланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт сохалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат килиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошкарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиклаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим сохасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва ракамли иктисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўкишга кабул килишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Карорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари хамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиклаш хакида"ги 19-2018-сонли буйрукларида белгиланган вазифалар хамда олий таълим сохасини тартибга солувчи бошка норматив-хукукий хужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосланилди.

110000-Педагогика таълим сохаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чикишда таълим сохасининг битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан кўйиладиган малака талаблари хисобга олинди.

110000-Педагогика таълим сохаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блоки 15-20%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, кўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича "Умумметодологик фанлар" блоки 15-20%, "Мутахассислик фанлари" блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 20-35% ни ташкил этди.

Ушбу малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг максади ва вазифаларига мос, таълим-тарбияга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва карорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорларини амалга оширишга йўналтирилди.

Малака талабларини ишлаб чикишда мустакиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халкнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари хисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустакил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халкаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуклари, иктисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чикариш ва амалиёт кўйилган талабларни хисобга олган холда яратилди.

Малака талаблари шахснинг хар томонлама ривожланишини хисобга олган холда узвийлик ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга каратилди.

Ўкув юкламасининг оддийдан мураккабга караб тузилиши таълим олувчиларнинг кобилиятлари ва эхтиёжларига кўра таълимни табакалаштириш имкониятларини яратди.

110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чикаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чикишда мамлакат ижтимоий-иктисодий тараккиётининг истикболлари, жамият эхтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуклари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чикиб, иктисодиёт сохаларининг модернизацияланиши шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим тизимига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

ТДПУ ўкув ишлари бўйича проректор Н.Рахмонкулова

**5112000 - Жисмоний маданият таълим йўналиши бакалаврларининг тайёргарлик даражаси юзасидан малака талаблари ва ўкув режасига**

**ТАҚРИЗ**

Республикамизда таълим соҳасидаги туб ислоҳотларнинг асосий мақсади жаҳон андозалари асосида билимлар бериш ва рақаботбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Замон талабларига мос равишда яратилган таълим йўналишлари бўйича 3 йилдан кам бўлмаган давр мобайнида бакалавриат босқичида билим олишни таъминлайдиган кредить модуль тизими асосидаги малака талабларининг тайёрланиши Республикамизда малакали кадрлар етиштириб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур малака талаблари жаҳон таълим тизимидаги етакчи мамлакатлар давлат таълим стандартлари ва ўкув режаси тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилган. Малака талабларида ўқишнинг меъёрий ҳужжатлари, таълим йўналишининг умумий таснифи, қўлланилиш соҳаси, касбий фаолиятларининг таснифи, соҳалари, объектлари, касбий фаолият турлари, бакалаврларнинг касбий фаолият вазифалари, касбий компетенциялар, ўқув режаси ва фан дастурлари мазмуни, уларга қўйилган умумий талаблар ҳамда ўқув юкламанинг ҳажми кенг ёритиб берилган.

Бакалаврларнинг касбий тайёргарлик компетенцияларига қўйиладиган талаблар доирасида умумий ва касбий компетенциялар етарли даражада ёритилган. Шунингдек, ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ва ўқув режадаги юклама ҳажмига мўлжалланган талаблар кредит-модуль тизимида ўқитилишидаги талаблар ҳам тўғри қўйилган. Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талабларда бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар, таълим дастурининг татбиқ этилиши, малакавий амалиётларни ташкил этиш, ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш, таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш, ўқув жараёнининг моддий техник базаси бўйича талаблар батафсил баён этилган.

Малака талабларига киритилган фанлар замон талабидан келиб чиққан ҳолда танланган ва уларга ажратилган соатлар ҳажми ҳам етарли даражада шаклланган. Бундан ташқари ушбу малака талаблари таълимнинг узвийлиги ва фанлараро интеграллашиш талабларига жавоб беришини таъкидлаш лозим.

Ушбу 5112000-Жисмоний маданият таълим йўналиши бўйича тузилган Малака талаблари ва ўқув режаси замон талабларига жавоб беради ҳамда бакалаврлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин.

**Тошкент вилояти**
**Чирчиқ давлат педагогика институти**
**"Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим"**
**факультети декани, доцент** **Т.С.Ачилов**

**5112000 - Жисмоний маданият таълим йўналиши бакалаврларининг тайёргарлик даражаси юзасидан малака талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач барча соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Жумладан "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-июндаги ПҚ-3031-сонли "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда соҳага оид бир қанча меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

5112000 – Жисмоний маданият таълим йўналиши бўйича 3 йилдан кам бўлмаган давр мобайнида билим олишни таъминлайдиган малака талаблари ва ўқув режасининг тайёрланиши Республикамизда малакали кадрлар етиштириб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кундаги такомиллаштирилган малака талаблари асосида малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатимиз учун ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади. Мазкур малака талаблари ва ўқув режаси жаҳон таълим тизимида энг етакчи мамлакатлар таълим стандартлари ҳамда ўқув режаси тажрибасига асосланиб ишлаб чиқарилганлиги таъкидлаш лозим.

Малака талабларининг таркибий қисмида жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи, қўлланилиш соҳаси, касбий фаолиятларининг таснифи, соҳалари, объектлари, касбий фаолият турлари, бакалаврларнинг касбий фаолият вазифалари, касбий компетенциялар, ўқув режаси ва фан дастурлари мазмуни, ўқув режаси ва фан дастурларига қўйилган умумий талаблар ҳамда ўқув режасидаги ўқув юкламанинг ҳажми кенг ёритиб берилган.

Малака талабларни ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаган ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилган.

Фанлар учун белгиланган вақт тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаси замон талабларига мос келади ҳамда бакалаврлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин.

**БухДУ доценти, п.ф.ф.д.(PhD):** **М.Ж.Абдуллаев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1 | 5112000 | Жисмоний маданият | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва касбий фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;<br>– умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари муассасаларида ўқитувчи ёки ташкилотчи бўлиб ишлаш;<br>– таълим тизимида кабинет мудири, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;<br>– мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;<br>– педагогик фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;<br>– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;<br>– жисмоний маданият педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.<br>**Касбий фаолиятнинг объектлари:**<br>- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;<br>- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - лойиҳалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;<br>- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;<br>**Касбий фаолиятнинг турлари:**<br>• педагогик;<br>• илмий-тадқиқот;<br>• маънавий-маърифий;<br>• ташкилий-бошқарув;<br>Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.<br>**Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:**<br>• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;<br>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;<br>• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;<br>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;<br>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | • соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътикодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.<br>**Бакалавр:**<br>• таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>• тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;<br>• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.<br>***5112000–Жисмоний маданият*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**<br>**педагогик фаолиятида:**<br>таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;<br>яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;<br>таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;<br>таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;<br>таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***<br>**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**<br>илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;<br>интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;<br>таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;<br>илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | оширишда қатнашиш;<br>маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;<br>тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***<br>**Маънавий-маърифий фаолиятида:**<br>маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;<br>ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;<br>глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***<br>**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**<br>педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;<br>жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;<br>бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.*** |

Низомий номидаги ТДПУ "Жисмоний маданият" кафедраси мудири [signature] У.Р.Раджапов

**5112000 – Жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари**
**ЖАДВАЛИ**

| Фаннинг малакавий коди | Фаннинг номи | Фан ёрдамида эгалланадиган зарурий касбий компетенциялар | Курслар кесимида фаннинг ўкув жараёнидаги ўрни | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III |
| | | **Умумкасбий фанлар** | | | |
| JMNM10024 | Жисмоний маданият назарияси ва методикаси | - жисмоний маданият тарихи фанининг мақсади ҳамда вазифалари; қадимги дунё халқларининг жисмоний тарбияси; қадимги юнонистон, рим ва русда жисмоний тарбия; ўрта асрларда жисмоний тарбия; буюк гуманистлар таълимоти тўғрисида, жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий асослари, Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизимлари, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, жисмоний тарбия ва спортни бошқаришда иштирок этувчи давлат идоралари, Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия қўмитаси, спорт мактаблари ва марказлари фаолиятини ташкил қилиш, аҳоли турар-жойларида оммовий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш, бошқарининг ижтимоий-психологик ва педагогик йўналишлари, бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, бошқаришнинг жамоат ташкилотлари, хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини бошқариш;<br>- жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; жисмоний маданият тарихи фанининг мақсади ҳамда вазифалари; қадимги дунё халқларининг жисмоний тарбияси; қадимги юнонистон, рим ва русда жисмоний тарбия; ўрта асрларда жисмоний тарбия; буюк гуманистлар таълимоти Ўзбекистон Республикасидаги жисмоний тарбия тизимининг умумий тавсифи; Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган ҳужжатларининг аҳамияти; жисмоний маданиятнинг жамиятдаги вазифалари ва шакллари; жисмоний тарбия назарияси бўйича олиб борилаётган тадқиқот услубиётлари; жисмоний тарбия воситалари; жисмоний тарбия ва жисмоний машқлар техникасини тавсифи ***ҳақида билимларга эга бўлиши керак.***<br>- Янги ва энг янги даврларда чет мамлакатларда жисмоний тарбия; Амур Темур, Абу Али Ибн Сино, Захриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди яшаган даврларда жисмоний тарбия; марказий Осиёга жисмоний тарбиянинг ривожланиши жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари; жисмоний тарбия машғулотларида қўлланиладиган жисмоний тарбия методлари; ҳаракатларни ва жисмоний сифатларни тарбиялашдаги қатъий тартиблаштирилган машқ услуби; ҳаракатларга ўргатиш | + | + | + |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | жараёнини асослари; ҳаракатларга ўргатиш босқичларининг тузилиш асослари; ўргатиш босқичларининг асосий йўналиши ва хусусияти; ҳаракат малакаларининг ташкил этиш қонуниятлари; меҳнатни рационал ташкил этишда жисмоний тарбияни аҳамияти; ишлаб чиқаришда касбий амалий тайёргарлик; мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси; умумий ўрта таълим тизимида жисмоний тарбияни ўрни ва аҳамияти; таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари; жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усуллари; синфдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларига тавсиф; ўқув ишларини режалаштириш; жисмоний тарбия дарсларида педагогик назорат: педагогик таҳлил, хронометраж, пулсометрия ўтказиш услубиёти ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.***<br>- халқаро спорт ҳаракатининг ривожланиши ва халқаро олимпия қўмитасининг ташкил топиши; миллий олимпия қўмитасининг ташкил топиши; Ўзбекистон спортчиларининг Осиё, жаҳон ва Олимпия ўйинларидаги иштироки; Ўзбекистон Республикасида жисмоний маданият ва спортнинг ривожланиши,<br>- аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштириш ва миллий ўйинларни ташкил қилиш; бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни; жисмоний тарбия – спорт менеджментини молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий асослари; ҳаваскор ва профессионал спорт; жисмоний тарбия, соғломломлаштириш ва спорт ишлари, оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш; Ўзбекистоннинг халқаро спорт алоқалари ;<br>- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жисмоний тарбия; жисмоний тарбиянинг назарий асослари; жисмоний тарбия тизими; воситалари ва методлари; тамойиллари (принциплари); жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик, чидамлилик) тарбиялаш методикаси; мусобақа фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари; ўқувчиларнинг жисмоний техник ва тактик тайёргарлиги; ўқувчиларни тайёрлашда юкламага умумий тавсиф ва уларнинг қонуниятлари ***ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | |
| JTGSM2004 | Жисмоний тарбия гигиенаси ва спортнинг тиббий-физиологик асослари | - соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия гигиенаси ва спортнинг тиббий-физиологик асослари фанининг ўрни ва аҳамиятини билиши; жисмоний тарбия гигиенаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; жисмоний тарбия гигиенаси ва спортнинг тиббий-физиологик асослари ўқув фан сифатида тутган ўрни; ҳаво гигиенаси, ҳавонинг таркиби, физик ва кимёвий хусусиятлари<br>- жисмоний машқлар физиологияси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; жисмоний машқлар физиологияси ва биомеханикаси фанининг ривожланиши; ўқувчилар соғлом турмуш тарзининг физиологик асослари - жисмоний машқлар биомеханикаси | | | + |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | фанининг мақсади ҳамда вазифалари; одам танаси ҳаракатининг динамикаси; биомеханик тизим бўлган одам танси ҳаракат аппаратининг тузилиши; ҳаракат сифати биомеханикаси; хусусий биомеханика; тана ҳолатини сақлаш ва ўз жойида ҳаракатлар; - соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия гигиенаси ва спортнинг тиббий-физиологик асослари фанининг ўрни ва аҳамиятини билиши; спорт тиббиёти фанининг мақсади ҳамда вазифалари; Ўзбекистонда спорт тиббиётини ташкил этиш асослари; умумий спорт патологияси асослари; спортчиларнинг касалланиши ва жароҳатланиши; спорт-педагогик назорат мазмуни ва методлари ***ҳақида билимга эга бўлиши керак.***<br>- об-ҳаво, иқлим ва унга мослашув; сув ва тупроқ гигиенаси, спорт иншоотлари гигиенаси; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг шахсий гигиенаси; жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари даврида овқатланиш гигиенаси; айрим спорт турлари билан шуғулланиш гигиенасини;<br>- жисмоний машқлар соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида; ўқувчи-ёшлар организмини функционал имкониятларини ривожлантириш; жисмоний маданият машғулотлари жараёнида ўқувчиларни чиниқтиришнинг физиологик асослари; адаптациянинг физиологик асослари; жисмоний машқларнинг физиологик тавсифи; жисмоний машқлар эркин ҳаракат сифатида қўлланилишини;<br>- жой ўзгартирувчи ҳаракатлар; юриш ва югуриш биомеханикаси, динамикаси; кинематика ҳақида тушунча ва Нютон қонунлари; - ёшлар ва ўқувчиларни жисмоний тарбиясида шифокор назорати; спортда иш қобилиятини тиклаш асослари; даволаш жисмоний тарбияси асослари; ўқувчиларнинг жароҳатланиши; юрак қон-томир тизими касаллиги, нафас олиш органлари, моддалар алмашинувининг бузилиши ва томир касалликлари; жароҳатлар ва асаб тизими касаллиги, таянч-ҳаракат аппарати касалликларини даволаш жисмоний тарбиясини ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.***<br>- жисмоний тарбия ва болалар спортининг гигиеник моҳияти; чиниқишни гигиеник асослари; ишлаб чиқариш гигиенаси; жисмоний тарбия дарсларида юкламаларни меъёрлаштиришнинг гигиеник асослари; спортнинг алоҳида турлари билан шуғулланишга бўлган гигиеник талаблар ***;***<br>- спорт фаолиятида организмда юзага келадиган ҳолатларнинг физиологик таърифи; жисмоний ҳаракат кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг физиологик асослари; жисмоний тарбия машғулотларини ўтказишнинг физиологик асослари ва тавсифи; жисмоний тарбия жараёнида мускуллар ишини вегетатив таъминлаш; жисмоний тарбия машғулотларида жисмоний юкламаларни меъёрлашни физиологик асослаш; жисмоний сифатларни ривожлантиришни физиологик асослари. спорт турларига ўқувчиларни | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | танлаш ва йўналтиришнинг физиологик асослари; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи аёллар организмини физиологик хусусиятлари; соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг физиологик асослари - айрим спорт турлари биомеханикаси; айланма ва илгариланма ҳаракатлар; ўқ атрофида ҳаракатлар; умумий ривожлантирувчи машқларнинг биомеханикаси асослари;<br>- ёшлар ва ўқувчилар саломатлигининг тиббий назорати; ёшлар ва ўқувчиларнинг тиббий гуруҳларга тақсимланиши; бир тиббий гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтиш исботи ва кузатиш усуллари; ўзини назорат қилиш қоидалари ***ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | |
| GO'MM2008 | Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси | - гимнастика ва уни ўқитиш методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; гимнастика тараққиётининг тарихий тавсифи; жисмоний тарбия тизимида гимнастиканинг ўрни; гимнастикага атамалар; Умумривожлантирувчи ва эркин машқларга оид атамалар; гимнастика машғулот жойлари ва уларни жиҳозланиши; гимнастика машғулотларида шикастланиши олдини олиш; мактабда машғулотларнинг мазмуни ва уни ташкиллаш; гимнастика машқларини ўргатиш методикаси; гимнастика машғулотларини режалаштириш ва қайд этиш; мусобақалар; Гимнастика чиқишлари; Талаба қизлар билан гимнастика машғулотларини ўтиш; Ўрта, катта ва кекса ёшдагилар билан гимнастика машғулотлари ўтказиш; - бадиий гимнастика тарихи; бадиий гимнастика машғулотларнинг методик хусусиятлари; бадиий гимнастика машғулотларнинг методик хусусиятлари; таълим тизимида бадиий гимнастика машғулотларининг ўзига хос томонлари ***ҳақида билимларга эга бўлиши керак.***<br>- юкламани кўчириш (олиб ўтиш). Тирмашиб чиқиш. Мувозанат сақлаш, оддий ва таяниб сакрашлар. Эркин машқлар, акробатика. Оммавий гимнастик чиқишлар учун машқлар. Гимнастик жиҳозларда (дастакли от, ҳалқалар, таяниб сакрашлар, бруслар, баланд ва паст турник, баланд-паст бруслар, хода, бревно, колцо, констручка ва х.к.) машқлар бажариш. Гимнастика бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш. Гимнастика мусобақаларида ҳакамлик қилиш. Гимнастика бўйича ўқув мусобақалари. Гимнастика ва спорт-машқлари асоси. Гимнастик чиқишлар ва байрамлар. Касб-ҳунар таълим муассасалари дастури ва "Алпомиш ва Барчиной" мажмуасига кирувчи гимнастик материалларни таҳлил қилиш. Гимнастика бўйича илмий-тадқиқот ишлар методикасини;<br>- бадиий гимнастика тарихи; бадиий гимнастика машғулотларнинг методик хусусиятлари; бадиий гимнастика машғулотларнинг методик хусусиятлари; таълим тизимида бадиий гимнастика машғулотларининг ўзига хос томонлари ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.*** | + | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | - гимнастика бўйича спорт иншоотлари тўғрисида қисқача маълумот. Спорт иншоотлари классификацияси; спорт иншоотларини шакллантириш; спорт иншоотининг функционал-техник чизмаси; спорт иншоотлари қурилишини лойиҳалаштиришни ташкил этишнинг асосий қоидалари; спорт иншоотлари ишини режалаштириш; спорт майдончаларининг материаллари ва тузилмаси (конструкцияси), спорт иншоотлари ва уларни жиҳозлаш; болалар спорти анжомлари;<br>- айланиш ва думалашлар; бурилиш билан тик сакрашлар; мураккаб сакраш техникалари; мувозанат мураккаблиги жадвали; мувозанатни сақлаш техникаси; сакраш техникасини; тик таянч оёқда бурилишлар мураккаблиги; тўлқин ва эгилувчанлик; пакс қадамлари ва ракс комбинатсиялари; ўзбек миллий ракслари элементлари мажмуа характерига мос мусиқа асарларини танлаш малакасини такомиллаштириш ***ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | |
| YeAO'M100 12 | Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси | - Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари, енгил атлетика ва унинг турлари ривожланишининг тарихий тавсифи; Ўзбекистоннинг жисмоний тарбия тизимида енгил атлетиканинг ўрни; енгил атлетика бўлимлари ва уларнинг туркумланиши хақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши***;<br>- Енгил атлетика турлари техникасини ўргатиш; енгил атлетика билан шуғуллантиришда умумий ривожлантирувчи ҳамда махсус машқларини бажаришни ўргатиш; енгил атлетика билан шуғуллантириш ва уни ўргатиш асослари; енгил атлетика машғулотларида қўлланиладиган методларни ўргатиш; таълим муассасаларида енгил атлетика машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш; спортча юриш техникасини ўргатиш методикаси; югуриш турлари техникасини ўргатиш методикаси; сакраш турлари техникасини ўргатиш методикаси; улоқтириш турлари техникасини ўргатиш методикаси, кўп кураш турлари техникасини ўргатиш методикаси бўйича ***кўникмаларга эга бўлиши;***<br>- Енгил атлетика бўйича ўқув ишларини ташкил қилиш, режалаштириш ва ҳисобини юритиш; енгил атлетика бўйича спорт иншоотлари, жиҳозлари ва уларни ишлатиш ***тўғрисида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | + |
| SpHO'M100 22 | Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси | - спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; ҳаракатли ўйинлар тарихи ва қисқача тушунча, туркумлари, ривожланиш босқичлари ва педагогик аҳамияти; ҳаракатли ўйинларни болани ёшига мос ҳолда танлаш, таҳлил қилиш ва ўтказиш методикаси; ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси; спорт байрамларини ўтказишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, - соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни ва аҳамиятини билиши; спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол) ни келиб чиқиши ва | + | + | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ривожланиш тарихи; Ўзбекистонда ривожланиши; ўйин техникаси таснифи; ўйин тактикаси таснифи; майдон ўлчамлари, жиҳозлари ва ўйин қоидалари ***ҳақида тасаввур ва билимга эга бўлиши;***<br>- ҳаракатли ўйинларни дарснинг асосий қисмига мос ҳолда танлаш ва таҳлил қилиш; кичик, ўрта ва катта ёшдаги болаларга бериладиган ҳаракатли ўйинларни ўргатиш; эстафетали ҳаракатли ўйинлар, нутқни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинлар, сувда ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар, дарсдан ташқари ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар орқали спорт ўйинлари элементларини, жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинлар, соғломлаштирувчи ҳамда ҳордиқ чиқарувчи ҳаракатли ўйинларни ўргатиш;<br>- баскетбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатиш; баскетбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатиш; баскетбол ўйинида тўпни узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни; - волейбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатиш; волейбол ўйинида тўғри йиқилиш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида тўпни юқоридан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида тўпни пастдан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни;<br>- волейбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатиш; волейбол ўйинида тўғри йиқилиш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида тўпни юқоридан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида тўпни пастдан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни;<br>- гандбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатиш; гандбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатиш; гандбол ўйинида тўпни узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни;<br>- футбол ўйинида ҳаракатланиш техникасини ўргатиш; футбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатиш; футбол ўйинида тўпни узатиш техникасини ўргатиш ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши;***<br>- ҳаракатли ўйинларни режалаштириш ва назорат қилиш, ҳаракатли ўйинлар жараёнида спорт анжомлари ва иншоотларидан фойдаланиш; синфдан ташқари, куни узайтирилган гуруҳларда ва спорт байрамлари тадбирларини ўтказиш жараёнидаги халқ ўйинларидан фойдаланиш;<br>- баскетбол ўйинида тўпни яқин ва ўрта масофалардан саватга ташлаш техникасини ўргатиш; баскетбол ўйинида жарима тўпни саватга ташлаш техникасини ва ўйин тактикасини ўргатиш; баскетбол ўйинида узоқ масофадан тўпни саватга ташлаш техникасини ва ўйин тактикасини ўргатиш; баскетбол ўйинида ҳаракатда узоқ масофадан тўпни саватга ташлашни ўргатиш; | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | - волейбол ўйинида тўпни ўйинга киритиш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида сакраб тўпга зарба бериш техникасини ўргатиш; волейбол ўйинида тўсик қўйиш усулларини ўргатиш; волейбол ўйинида ҳимоя ва ҳужумнинг техник-тактик ҳаракатларини ўргатиш; волейбол ўйинида либеро ўйинчисининг вазифаларини ўргатиш;<br>- гандбол ўйинида тўпни дарвозага улоқтириш техникасини ўргатиш; гандбол ўйинида жарима ва эркин тўпларни отишни ўргатиш; гандбол ўйинида ҳимоя ва ҳужумнинг техник-тактик ҳаракатларини ўргатиш; гандбол ўйинида тўпга тўсиқ қўйиш усулларини ўргатиш; гандбол ўйинида дарвозабонни ўйин техникасини ўргатиш;<br>- футбол ўйинида тўпга зарба бериш техникасини ўргатиш; футбол ўйинида тўпни тўхтатиш техникасини ўргатиш; футбол ўйинида дарвозага зарба бериш техникаси ва ҳужум тактикасини ўргатиш; футбол ўйинида жарима ва эркин тўпга зарба беришни ўргатиш ва ҳимоя тактикаси; футбол ўйинида дарвозабонни ўйин техникасини ўргатиш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** | | | |
| JTSM1002 | Жисмоний тарбия ва спорт менежменти | - талаба жисмоний тарбия ва спорт менежменти фанининг моҳияти ва аҳамияти;<br>- жисмоний тарбия ва спорт менежменти фанининг мақсади ҳамда вазифалари;<br>- бозор иқтисод шароитида спорт менежменти ва маркетингни роли;<br>- спорт соҳасида менежмент ва маркетингни жорий этиш;<br>- спорт маркетингни бошқариш ҳақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши;***<br>- Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг замонавий тизими;<br>- спорт менежменти ва маркетингининг асосий тушунчалари;<br>- жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш тушунчалари;<br>- спортда бошқарув қарорларининг моҳияти ва уларга қўйиладиган талаблар;<br>- спорт ташкилотлари: моҳияти, ташкилий-ҳуқуқий шакллари;<br>- спорт менежменти тизимида маркетинг ҳақида ***кўникмаларга эга бўлиши;***<br>- бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний тарбия ва спортда менежмент ва маркетингдан фойдаланиш;<br>- спорт хизматини ташкил қилишда маркетинг тизимидан фойдаланиш;<br>- спорт клубларида спорт анжомларини, хизматини ва бошқаларни тарғибот қилиш;<br>- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида маркетинг режаларини тузиш ва амалга ошириш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** | | | + |
| **Ихтисослик фанлари** | | | | | |
| KTO'M1008 | Кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси | -кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси фанинг мақсади ҳамда вазифалари;<br>-кураш турларининг ривожланиш тарихи;<br>-Ўзбекистон Республикасида кураш турларининг ривожланиш тарихи;<br>-Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия тизимида кураш турлари; | | + | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | -куаш машғулотларида умумий ривожлантирувчи ва махсус машқлар;<br>-кураш турларида шикастланишнинг олдини олиш;<br>-кураш турлари машғулотлари учун спорт иншотларини танлаш ва уларнинг жиҳозланиши ***ҳақида билимларга эга бўлиши;***<br>-курашнинг муаян тури техникаси ва қоидаларини ўргатиш;<br>-кураш турлари техникаси ва усулларини ўргатиш;<br>-кураш турлари усулларини амалда қуллай олиш;<br>-кураш турлари техникасини бажара олиш;<br>-болалар ва ўсмирлар билан кураши турлари бўйича машғулотларни ўтказа олиши ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши;***<br>-кураш турлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси;<br>-болалар спортида кураш турларининг урни;<br>-кураш турлари техникаси ва усулларини ўргатиш методикаси;<br>-кураш турлари усулларини амалда қўллай олишни ўргатиш методикаси;<br>-кураш тулари техникасини бажара олишни ўргатиш методикаси;<br>-кураш турлари машғулотларининг айрим хусусиятлари ***тўғрисида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | |
| SO'MM1004 | Сузиш ва уни ўқитиш методикаси | сузиш ва уни ўқитиш методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари, сузиш спортининг ривожланиш тарихи, Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия тизимида сузишнинг ўрни, сузиш техникасининг илмий-назарий асослари ***ҳақида билимларга эга бўлиши керак.***<br>- сузиш машғулотларида машқ қилиш ва ўргатиш асослари; сузишнинг усулларини ўргатиш ва ўзлаштириш бўйича тайёрлов машқлари; сузиш техникасини такомиллаштириш ва ўргатишда махсус спорт машқлари; кўкракда кролл ва чалқанча кролл, делфин, брасс усулида сузиш техникасини ўргатиш; сузиш машғулотларида ўргатиш методларини ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.***<br>- сузишда стартдан чиқиш ва бурилишларни ўргатиш; сувда чўкаётган одамга биринчи ёрдам кўрсатиш; сузиш бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш, мусобақа ҳужжатлари, ҳакамлик қилиш ***ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | + |
| SPO'M1006 | Спорт маҳоратини ошириш | - соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни ва аҳамиятини билиши; гимнастика, енгил атлетика ва спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол)ни ўйин ҳамда машқлар техникасини ўргатишни такомиллаштириш; гимнастика, енгил атлетика ва спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол) ни ўйин ҳамда машқлар тактикасини ўргатишни такомиллаштириш; саф ва умумий ривожлантирувчи машқларни ўргатишни такомиллаштириш ***ҳақида билимларга эга бўлиши керак.*** | | + | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | - эмаклаб ўтиш, тирмашиб чиқиш, мувозанат сақлаш, улоктириш, оддий сакрашлар, эркин машқлар, акробатика, оммавий гимнастик чиқишлар учун машқлар, дастакли от, ҳалқалар, таяниб сакрашлар, бруслар, баланд ва паст турник, баланд-паст бруслар, ходаларда машқлар бажаришни такомиллаштириш; енгил атлетика машқлари техникасини ўргатишни такомиллаштириш; енгил атлетика турлари техникасини ўргатишни такомиллаштириш; енгил атлетика машғулотларида жойида ва ҳаракат давомида бажариладиган умумий ривожлантирувчи ҳамда махсус машқларини ўргатишни такомиллаштириш; енгил атлетика билан шуғуллантиришни ўргатиш такомиллаштириш асослари; енгил атлетика машғулотларида қўлланиладиган методларни ўргатиш; таълим муассасаларида енгил атлетика машғулотларини ташкил қилиш; футбол ўйинида ҳаракатланиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; футбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; футбол ўйинида тўпни узатиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; баскетбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатишни такомиллаштириш; баскетбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; баскетбол ўйинида тўпни узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; волейбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатишни такомиллаштириш; волейбол ўйинида тўғри йиқилиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; волейбол ўйинида тўпни юқоридан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; волейбол ўйинида тўпни пастдан узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; гандбол ўйинида ҳолат ва ҳаракатларга ўргатишни такомиллаштириш; гандбол ўйинида тўпни олиб юриш техникасини ўргатишни такомиллаштириш; гандбол ўйинида тўпни узатиш ва қабул қилиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.***<br>- гимнастика ва спорт-машқлари асоси, гимнастик чиқишлар ва байрамлар, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълим муассасалари дастури «Алпомиш» ва «Барчиной» мажмуасига кирувчи гимнастик материалларни таҳлил қилиш, гимнастика бўйича илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш, спортча юриш, югуриш турлари, сакраш турлари техникасини, улоқтириш турлари ва кўп кураш турларини техникасини ўргатишни такомиллаштириш, футбол ўйинида тўпга зарба бериш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, футбол ўйинида тўпни тўхтатиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, футбол ўйинида дарвозага зарба бериш техникаси ва ҳужум тактикасини ўргатишни такомиллаштириш, футбол ўйинида жарима ва эркин тўпга зарба беришни ўргатиш ва ҳимоя тактикасини такомиллаштириш, футбол ўйинида дарвозабонни ўйин техникасини ўргатишни такомиллаштириш, баскетбол ўйинида тўпни | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | якин ва ўрта масофалардан саватга ташлаш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, баскетбол ўйинида жарима тўпни саватга ташлаш техникасини ва ўйин тактикасини ўргатишни такомиллаштириш, баскетбол ўйинида узоқ масофадан тўпни саватга ташлаш техникасини ва ўйин тактикасини ўргатишни такомиллаштириш, баскетбол ўйинида ҳаракатда узоқ масофадан тўпни саватга ташлашни ўргатишни такомиллаштириш, волейбол ўйинида тўпни ўйинга киритиш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, волейбол ўйинида сакраб тўпга зарба бериш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, волейбол ўйинида тўсиқ қўйиш усулларини ўргатишни такомиллаштириш, волейбол ўйинида ҳимоя ва ҳужумнинг техник-тактик ҳаракатларини ўргатишни такомиллаштириш, гандбол ўйинида тўпни дарвозага улоқтириш техникасини ўргатишни такомиллаштириш, гандбол ўйинида жарима ва эркин тўпларни отишни ўргатишни такомиллаштириш, гандбол ўйинида ҳимоя ва ҳужумнинг техник-тактик ҳаракатларини ўргатишни такомиллаштириш, гандбол ўйинида тўпга тўсиқ қўйиш усулларини ўргатишни такомиллаштириш, гандбол ўйинида дарвозабонни ўйин техникасини ўргатишни такомиллаштириш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** | | | |
| STBMO'M2 006 | Спорт турлари бўйича мусобакалар ўтказиш ва хакамлик килиш | - Ўзбекистонда бу спорт турларининг бугунги кундаги аҳволи;<br>- спорт ўйинлари футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, енгил атлетика, кураш ва сузиш каби спорт турларининг конун коидаларини келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари;<br>- спорт ўйинлари футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, енгил атлетика, кураш ва сузиш каби спорт турларининг мусобақаларини ташкил қилиш ***ҳақида билимларга эга бўлиши;***<br>- спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол), енгил атлетика, кураш ва сузиш каби спорт турларининг қоидалари;<br>- спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол), енгил атлетика, кураш ва сузиш каби спорт турларида ҳакамлик методикаси;<br>- спорт турларидан мусобақаларни ўтказиш (айланма, чиқиб кетиш ва аралаш) усуллари;<br>- спорт турларида ҳакамларнинг вазифалари, ҳакамлик қилиши шартлари ва ҳакамларнинг ишораларини;<br>- спорт турларида мусобақаларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ***ҳақида кўникмаларга эга бўлиши;***<br>- спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол), енгил атлетика, кураш ва сузиш каби спорт турларининг қоидалари;<br>- спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол), енгил атлетика, кураш ва | | | + |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | сузиш каби спорт турларида ҳакамлик қилиш;<br>- спорт турларидан мусобақаларни ўтказиш (айланма, чиқиб кетиш ва аралаш) усуллари;<br>- спорт турларида ҳакамларнинг вазифалари, ҳакамлик қилиши шартлари ва ҳакамларнинг ишораларини;<br>- спорт турларидан мусобақалар ўтказиш низомини тузиш;<br>- спорт турларида мусобақаларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;<br>- спорт турларидан мусобақаларга тайёрлаш ***ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.*** | | | |
| SplnM2004 | Спорт иншоотлари | - қадимги дунё ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида маълумот;<br>- спорт иншоотларининг тоифалари;<br>- спорт иншоотларининг таснифи;<br>- спорт иншоотлари технологиялари чизмаси ва лойиҳалаш;<br>- шаҳар ва қишлоқлардаги спорт иншоотлари тармоқларини режалаштириш;<br>- спорт ўйинлари майдонлари ва гимнастик шаҳарчаларни ўлчамлари билан таништириш усуллари ҳақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши;***<br>- талабалар спорт иншоотлари фанидан спорт ўйинлари майдонлари ва гимнастик шаҳарчаларни қуриш, уларни талаб даражасида чизмаларини чизиш ва лойиҳаларини тайёрлаш ***кўникмаларига эга бўлиши;***<br>-спорт иншоотлари фани ўқув материаллари мазмуни ҳар хил жиҳозлар, қурилмалардан фойдаланиш уларни тайёрлаш қоидалари ва усуллари, ҳаракат ва машқларга мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олиш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** | | + | |
| **Қўшимча фанлар** | | | | | |
| ... | ... | ... | | | |
| ... | ... | ... | | | |